



ИЖТИ-МОЙ ТАР-МОҚЛАРДА ТАРҚАТИ-ЛАЁТГАН ХАБАРЛАР-НИНГ ҲАМ-МАСИ ҲАМ ҲАҚИҚАТ ЭМАС. «ФЕЙК» ХА-БАРЛАР «МЕВАСИ» СИФАТИДА ИККИ ИН-СОННИНГ ТАҚДИРИ 180 ДАРА-ЖАГА ЎЗ-ГАРИБ КЕ-ТИШИГА БИР БАҲЯ ҚОЛДИ.

САЛЛА ўрнига КАЛЛА олинишига сабабчи бўлманг!

Уч-тўрт кундан буён Самарқанд шаҳридаги 10-оилавий поликлиниканинг «золим» бош шифокори ҳақидаги хабар, аниқроғи, сурат ижтимоий тармоқларда роса айланыпти. Суратга ёзилган изоҳга кўра, бош шифокор кўл остидаги шифокор ва ҳамшираларни – 6 даражали совуқда ҳовлига чиқариб, жазолаган эмиш. Ол-а...

Аслида, суратда тиббиёт ходимларининг эрталабки бадантарбия машқла-

рини бажараётгани акс этган ва буни пайқаш учун суратга лупада қараш шарт эмас! Нима бўлгандаям, бу «сурат» кўпчиликни бефарқ қолдирмади. Мухомадалар роса авжига чиққан бир вақтда ижтимоий тармоқлар орқали Соғлиқни сақлаш вазирлигининг муносабати ва раддияси эълон қилинди. Вазирликнинг изоҳ беришича, тиббиёт ходимлари (кундалик одатга кўра) соғломлаштириш-гимнастика машғулотларини ав-

вал ичкарида бажаришган, сўнг эса, ҳамширалар ҳовлига чиқиб, эсдалик учун қорда суратга тушишган. Бор гап шу! «Балки шундай бўлгандир...» деган ўйни ҳазм қилишга улгурмасимиздан ижтимоий тармоқларда яна бир янгилик пайдо бўлди. Бу «хушхабар» поликлиника бош шифокори ва бош ҳамширанинг эгаллаб турган вазифаларидан озод этилгани ҳақида эди.

Қаранг-а, бир кунда нималар бўлиб

кетмади... Воқеликнинг турлича, яъни бир-бирини инкор қилган ҳолда талқин қилиниши... Қизиқишимиз ортди. Тушунмадик, вазирлик ҳаммаси «жойида» деб турса-ю, қуйи бўғиндаги раҳбар поликлиника бош шифокори ва бош ҳамширани ишдан «учириб» юборса?.. Қизиқ, жудаям қизиқ. Коса та-гида қандай нимкоса бўлиши мумкин?

>>> 3

Касаба уюшма аралашгач...

Мен Бағдод туманидаги 17-давлат мактабгача таълим ташкилотига раҳбарлик қилиб келаётгандим. 2022 йил 11 мартда эса Фарғона вилояти мактабгача таълим бошқармаси томонидан Меҳнат кодексининг 105-моддасига асосан меҳнат шартномаси мўддати тугагани муносабати билан вазифадан бўшатилдим.

Фарғона вилояти

Хўш, бунга аслида нима асос бўлганди? Маълумки, Меҳнат кодексининг 5-моддасида «Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмас», деб белгиланган. Шундай эса-да, бошқарма мен билан 1 йиллик меҳнат шартномаси расмийлаштирди ва мўддати тугагандан сўнг уни бекор қилди.

Табиийки, бузилган меҳнат ҳуқуқларимни тиклаш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси киритдим. Лекин суд уни қаноатлантиришни рад этди. Вилоят судига апелляция ҳам натижасиз яқун топди. Шундан сўнг Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши ходимларига мурожаат қилдим. Улар можарони синчиклаб ўрганиб, меҳнат шартномасини бекор қилиш жараёнида ҳақиқатан ҳам қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганини аниқлашди ва Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация шикоятни киритишимда амалий ёрдам беришди. Бу судлов ҳайъати эса жорий йил 28 ноябрда мени ўз лавозимимга тиклаш, шунингдек, мажбурий бекор юрган кунларим ва маънавий зарар учун виллоят мактабгача таълим бошқармаси ҳисобидан 14 миллион сўмдан зиёд пул маблағи ундириб берилиши тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Қонуний ҳақ-ҳуқуқларим тикланишига кўмаклашишгани учун касба уюшма кенгаши мутахассисларидан ғоят миннатдорман.

Феруза ТЕМИРОВА,
Бағдод туманидаги
17-ДМТТ директори

КОРОНАВИРУС: кунлик касалланишлар сони нега юқори?



3



САХОВАТПЕША МАҲАЛЛА РАИСИ

Наманган шаҳар, «Обиҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини, Темирийўл кўчасидаги 82-ўйда яшовчи чин етимлар Акрамжон ва Анасон Аҳмаджоновлар хонадони низоҳатда таъмирталаб эди. Анчадан буён буни билиб-кўриб юрган маҳалла раиси Толибжон Эралиев ажойиб ташаббус кўрсатди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташкиллаштирган республика танловида ғолиб чиқиб, ўттиз миллион сўмлик мукофоти қўлга киритгач, уни шу й таъмирига сарфлади.

Ота-онасидан эрта жудо бўлган бу йигитлардан каттаси Акрамжоннинг ногиронлиги бор, Анасон эса ҳали мактаб ўқувчиси. Улар доимий даромад манбаига эга бўлиши учун яшаш жойи яқиндаги цехда иш билан ҳам таъминланган.

Биз «Юртимизда ўқик кўнгилларни шод этадиган Толибжон сингари саҳий инсонлар сафи кенгаверсин!» деймиз.

Орзуғул РУСТАМОВА
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Бошланғич ташкилотларда

Шаҳрисабз педагогика институти ходими Ҳасан Умаров ишдан уйига эртароқ қайтди. Эртаси кун ишга бориб билдики, бўлим бошлиғи унга интизомий жазо берилишини сўраб, касабга уюшма қўмитасига мурожаат қилибди. Касабақўм етакчиси Гавҳар Ҳусанова ходимга жазо беришда шойилмади. Ҳасан Умаровнинг иккинчи гуруҳ ногирони экани ва уйига бошқалардан бир соат илгари қайтиш имтиёзи борлигига эътибор қаратди. Буни бўлим бошлиғига ҳам тушунтирди ва ўзаро келишган ҳолда Умаровга ҳеч қандай интизомий жазо қўлланилмади.

Янги институтдаги янгиликлар



– Таълим муассамиз дастлаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Шаҳрисабз филиали, сўнгра Қарши давлат университети Педагогика институти мақомида фаолият юритди. 2022-2023 ўқув йилидан Шаҳрисабз давлат педагогика институтига айлантирилган таълим муассасамизда бугунги кунда 8000 нафарга яқин талаба таҳсил олаётир. Институтда 450 нафар ходим меҳнат қилади, – дейди касабга уюшма қўмитаси раиси Гавҳар Ҳусанова. – Табиийки, ходимлар ва талабалар сонининг кўпайиши қўмитамиз иш кўламини сезиларли равишда оширди. Мана яқинда Халқаро ногиронлар кун муносабати билан 3 нафар ходим ҳамда қирқдан зиёд ногиронлиги бор талабага иш берувчи ва касабга уюшма қўмитаси маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам ажратилди. Ноябрь ойида 45 нафар ходимнинг Самарқанд вилоятига

саёҳати уюштирилди. Шаҳарнинг тарихий обидалари ҳамда муҳташам «Samarkand city» таровати барчага олам-олам таассурот улашди. Шунингдек, Хоразм вилоятига қилинган уч кунлик саёҳат ҳам гўзал хотираларга бой бўлди. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш учун йил бошидан буён 25 та санаторий йўлланмалари тарқатилди. Жумладан, матбуот котибимиз Чарос Ҳамроева, ўқитувчилар Анвар Қосимов, Гулрух Баҳодирова, кенгаш котиби Муаззам Ниғматова онаси учун санаторий йўлланмаси сўраб мурожаат қилганди. Уларнинг аризалари қаноатлантирилди. Доцент Маҳбуба Аҳатова, декан Эрмат Тиллаев, ўқитувчилар Миршод Абдурахмонов, Зулфия Алимова, Муяссар Тиллаева ва бошқалар республикамизнинг энг етакчи санаторийларида ҳордиқ чиқаришди. Иккита талабалар турар жойи мавжуд бўлиб, биринчи навбатда, но-

гиронлиги бор, «Ёшлар дафтари»га киритилган, кам таъминланган, узоқ вилоятлардан келиб ўқийдиган талабаларимизни ётоқхоналарга жойлаштирганмиз. Касаба уюшма қўмитаси институт ва талабалар турар жойларида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш орқали уларнинг фаоллигини оширишга эътибор қаратаётир. Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!» шиори остидаги эсселар танлови, бешта муҳим ташаббусни тарғиб этувчи «Ёш китобхон» виторинаси, бир неча спорт турларини ўзида мужасам этган спартакиада баҳслари барча-барчага манзур бўлаётир. Кези келганда, республикамизда нишонланган байрам саналари муносабати билан профессор-ўқитувчилар, эҳтиёжманд хўжалик ходимларини турли эсдалик совғалари билан рағбатлантириб бориш яхши йўлга қўйилганини ҳам таъкидлашни истардим. Дарҳақиқат, эътиборда гап кўп. Каердаки, ходим ўзига нисбатан рағбат ва эътиборни сезса, унинг касбий фаолиятида ҳам ижобий натижаларга интилиш бўй чўзаверади.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри

Бор бўл, оқибат!

«Ҳеч кимдан кам эмаслигимни ҳис қилдим...»

Бугун «Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик» деган улғвор шиор остида фаолият юритаётган касабга уюшмалари тизимидаги «Чинобод» санаторийси том маънода инсон соғлиғини тиклашда ва имконияти чекланган инсонларга етарлича шарт-шароит яратиб, минглаб юртдошларимизни ҳаётга қайтаришда ўз ҳиссасини қўшмоқда.



Инсон дунёга бир марта келади ва у қадр топган юртдагина ўзини бахтиёр ҳисоблаши мумкин. Буни «Чинобод» санаторийсида дам олаётган ногиронлар, айниқса чуқур ҳис қилишади. Муносабат ҳам шунга яраша. Жумладан, 5 қаватли 12-ётоқ биносига ногиронлар аравачаси сиғадиган янги лифт ўрнатилди. Улар бундан қанчалар қувонганликларини бир кўрсангиз эди! Санаторийда маданий ва маърифий тадбирларни ўтказиш анъана тусини олам бўлиб, хусусан, Конституция қабул қилинган кун муносабати билан дам олувчилар ўртасида маънавиятнинг турли йўналишлари бўйича танловлар ўтказилди. Мана, II гуруҳ ногирони, Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Алимжон Равшановнинг дил изҳори: – Санаторийда ногиронларга яратилган шароитдан жуда мамнун бўлдим. Ногиронлар жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини қомусимиз қабул қилинган кунда Чинобод» санаторийси яна бир бор намоён этди. II гуруҳ ногирони, Тошкент вилояти Қибрай туманилик Санобар Жумабоева шундай дейди: – Кўп йиллар ўқитувчилик қилганман. Айтишим мумкинки, бу ердаги маданий тадбирлар сабаб бугун руҳияти бойиган инсонга айландим. Буни мени кўргани келган фарзандларим ҳам айтишди. Энди тадбир совриндорлари билан таништирсак: Кутубхона томонидан таъсис этилган «Инсон қадрини улуғлаган қомус» деб аталган танловда дам олувчилардан Тошкент вилояти Қибрай туманилик II гуруҳ ногирони Санобар Жумабоева ҳамда Фарғона вилоятилик Боис Аҳмедов соврин эгасига айландилар. Шахматда II гуруҳ ногирони Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Алимжон Равшановга, шеър ва ривоят йўналишида Бухоро вилояти Меҳр-шафқат ва саломатлик фондининг раиси Раънохон Соҳибовага биринчилик насиб этди. Мусавирлик санъатида сурхондарёлик Алишер Қурбоналиевга тенг келадигани бўлмади. Лапар йўналишида Қўқон шаҳри маданият уйи фахрийси Раънохон Маҳкаммова фахрли I-ўринни эгаллади. Барча иштирокчилар санаторий маъмурияти томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани маданият уйининг II гуруҳ ногирони, ҳофиз Рустамжон Расуловнинг қишқилари байрамга ўзгача фазл бағишлади.

Абдуваҳоб ТОЖИЕВ,
«Чинобод санаторийси» АЖ
«Маънавият ва маърифат»
кенгаши масъул котиби

Хоразм вилояти



Масъул ташкилотчининг бир кун

МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ РАҒБАТ САМАРАСИ

Ташқарида ҳаво ҳарорати минус ўн даража. Биз машина ойнасидан мўралаб, ён-атрофни кузатамиз. Қишнинг ўзига хос манзаралари кишини бо-сиқликка ундайди. Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шавкат Сафарбоев эса бораётган манзилимиз, бизни кутаётган манзаралар ва инсонлар ҳақида сўзлаб боради:

– Боғотликлар зуваласи тоза, меҳнаткаш ва ҳалол инсонлар. Бу тумандан қаҳрамонлар, генераллар, академиклар етишиб чиққан. Деҳқончилик бобида ҳам уларга етадигани кам. Шавкат ака «Аёллар дафтари» бўйича ушбу туманда вакил ҳам. Худуд аҳолиси унга қадрдон бўлиб қолганини гап-сўзларидан осонгина илғаш мумкин. – Аёллар бандлигини таъминлашда фермерлар кўмага таянаёلمиз. Бу икки томонга ҳам фойда келтираяпти. Фермерлар муқим ишчиға, аёлларимиз эса доимий иш ўрнига эга бўлишаяпти. Муҳими, иш ўринлари вақтинчалик бўлишга йўл қўйилмаяпти. Йўл бошловчимиз агросаноат мажмуи ходимларининг Боғот тумани кенгашига илгари ҳоқим ўринбосари бўлган Бекпўлат Ямгуров раис этиб сайлангани, у янги вазифасини чин дилдан бажараётганини ҳам айтиб ўтди. Биз Бекпўлат ака билан илик суҳбатимиздаёқ у киши ишга дадил киришганини англадик. – Қонунчиликдаги касабга уюшмалари билан боғлиқ барча бандларни кўчириб олдим. Бу менга аъзолар жалб этишда, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда, иш берувчилар олдиға вазифалар қўйишда асқатапти, – деди у. Бугунги кунда Боғот тумани кенгаши 420 дан зиёд ташкилотда фаолият кўрсатувчи 10 мингдан зиёд аъзоларни ўз таркибига бирлаштирган. Йилнинг ўтган даврида пенсия ёшиға етган 12 нафар ходим жамоа шартномаларига мувофиқ моддий рағбатлантирилди. 21 нафар ходим юбилей саналари муносабати билан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. 40 нафар ишлаймайдиган пенсионерға, 25 нафар ногиронлиги бор касабга уюшмаси аъзосига моддий ёрдам кўрсатилди. Икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 19 нафар ёш она ҳам шу тарзда қўллаб-қувватланди. Нодавлат ташкилотда ишловчи 8 нафар болали аёлнинг иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиған қилиб белгиланди. Кам таъминланган 67 та оила фарзандлари учун ўқув қуроллари олиб берилди. Худди шундай 71 та ёш оилаға моддий кўмак берилди. Олий ўқув юртиларда таҳсил олаётган 4 нафар чин етим талабанинғ ўқув-шартнома пуллари қисман қопланди, 6 та ёш оилаға фойсиз ссудалар ажратилишиға эришилди. Ишчи-ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, саёҳатларға олиб бориш, спорт мусобақалари уюштириш борасида ҳам кўплаб ибратли ишлар амалға оширилди. Бекпўлат ака бизни касабга уюшма аъзоларига яратилган шарт-шароитлар билан янада яқинроқ таништириш мақсадида бошланғич ташкилотларға бошлади. Унинг йўл-йўлкай айтишича, туман бўйича 82 гектар ерда иссиқхоналар ташкил қилиниб, уларда асосан помидор етиштирилмоқда. Жумладан, биз бўлган иссиқхона «DONO DENTA SERVIS» хусусий корхонасига қарашли экан. Корхона эса, яқинда касабга уюшма тасарруфига олинирди. – Турмуш ўртоғим шифокор, – дейди иссиқхона иш бошқарувчиси Нилуфар Бекканова. – Қишлоқда яшаганимиз боис, деҳқончиликка ҳам қизиқадилар. Аввалиға томорқамизда кичик иссиқхона барпо этдик. Дастлабки йилиёқ яхши ҳосил олдик. Шунданми, иссиқхонаға қизиқишимиз кучайди. Пировардида уч йил бурун мана шу иссиқхонани қурдик. Ҳозир бир гектар майдонда помидор етиштириб, асосан маҳаллий бозорда сотаяпмиз. Иссиқхонада ишлаётган Шарифа Хўжаназарова, Сабоҳат Матчанова, Барно Матякубова каби қизлар билан суҳбатлашганимизда, улар бу ер уйларига яқинлигини, иш ҳақини ҳар сафар вақтида олишларини, мавжуд шароитлардан мамнуликларини эътироф этишди. – Бултур ҳосилдорлик 50 центнердан ошди, – дейди Нилуфар. – Бу йил эса ҳосил чўғи янада баланд бўлиши учун олти нафар ишчи-хизматчи билан астойдил меҳнат қилдик. Помидорларимиз пиша бошлади. Кеча биринчи ҳосилни бозорға олиб чиқдик. Биз боғотлик миришкорларнинг ишларига омад, хирмонларига барака тилаб, ортға қайтдик.



Ўзбекистон ва Қозоғистон: Муштарак тарих ҳамда маданият

Қозоқ халқининг ардоқли адаби Абай Қўнанбоев Алишер Навоийни ўзининг устози деб билган. Шу билан бирга, унинг асарлари маърифатпарвар бобомиз Аҳмад Дониш асарлари билан бир-бирига яқин бўлган.

Жадид бобокалонимиз Маҳмуд-хўжа Бехбудий эса «Қозоқ қариндошларимизға очиқ хат!» деб номланган мактубини битиб, унда низоларни қўйиб, бирлашишға, тараққиёт, истиқлол йўлида ҳамжиҳат бўлишға чорлаган. Умуман олганда, 3–4 минг йиллик тарихимизда ўзбек ва қозоқ халқи қўлни қўлга бериб доим биродарона яшаб келган. Улар нафақат илм ва маърифатда, балки миллий муаммоларға ҳам ечим топишда муштарак йўллари кўра олган. Шу маънода, кун кеча пойтахтимиздаги Марказий Осиё халқаро институтида

ташкил этилган ўзбек ва қозоқ олимлари иштирокидаги илмий-амалий конференцияда ҳам кўп йиллик ҳамкорлик анъанаси давом эттирилди. Қозоғистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонға режалаштирилган ташифи олди-дан икки мамлакат етакчи таҳлил марказлари ҳамкорлигида ўтган анжуман «XIX аср ўзбек ва қозоқ мутафаккирлари дунёқарашида умумий тарихий-маданий меросни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш» мавзусига бағишланди. Унда юртимизнинг етакчи эксперт-таҳлил марказлари ва илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари, жумладан, МОХИ,


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Тарих институти, Туризм ва Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги, ЖИДУ профессор-ўқитувчилари иштирок этишди. Қардошларимиз томонидан эса Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Бейбут Атамкулов, Р.Б.Сулейменов номидаги Шарқшунослик институти Республика тарихий материалларни ўрганиш маркази директори Меруерт Абусеитова, Адабиёт ва санъат институти бош директори М.О.Ауезов, Кенжехан Матжанов ва яна бир гуруҳ қозоғистонлик етакчи экспертлар ҳозир бўлдилар. Анжуманда XIX аср ўзбек-қозоқ мутафаккирларининг илмий, фалсафий ва адабий меросини тадқиқ этиш, икки мамлакат маърифатпарварларининг маданий-гуманитар соҳадаги алоқалари ва уларнинг ўтмиш тараққиё-

Халқаро анжуман

тига қўшган муносиб ҳиссаси муҳокама қилинди. – Мустақиллик даврида ўзбек-қозоқ халқлари ижтимоий-сиёсий жиҳатдан мисли қўрилмаган даражада юксалди ва миллий ўзлигини англаб етиш борасида янгидан-янги доовонларни забт этди. Бунинг учун қанчадан-қанча мурраккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтишга тўғри келди, – дейди анжуман иштирокчиси, тарих фанлари доктори Дилором Алимова. – Бугунги кунға келиб икки биродар халқимизнинг бой ва муштарак тарихий-маданий меросини ўрганиш ҳамда оммалаштириш янада муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ушбу масала Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири. Замонавий дунёда иқтисодий ютуқлар билан бир қаторда, маънавий, тарихий-маданий мерос ҳам миллат рақобатбардошлигининг асосий қўрсаткичларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, XIX асрда Марказий Осиё халқларининг тарихий-маданий меросини англаш ва асраб-авайлаш жараёниға улкан ҳисса қўшган ўзбек-қозоқ мутафаккирлари фаолиятини тадқиқ этиш ғоятда аҳамиятлидир. Конференция якунида Марказий Осиё халқаро институти ва Қозоғистон Республикасининг Р.Б.Сулейменов номидаги Шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик бўйича икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Зебо НАМАЗОВА
«ISHONCH»

Мухаббат ТЎРАБОВЕВА
«ISHONCH»



КОРОНАВИРУС:

кунлик касалланишлар сони нега юқори?

Кун мавзуси

СЎНГИ ОЙЛАРДА ДУНЁДА КУЗАТИЛАЁТГАН КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИНГ ЯНГИ ТЎЛҚИНИ АК-САРИЯТ МАМЛАКАТЛАРДА КАСАЛЛАНИШЛАР СОНИ ЎСИШИГА САБАБ БЎЛЯПТИ. МУТАХАССИСЛАР БУНИ COVID-19 ЖАДАЛ СУРЪАТЛАРДА МУТАЦИЯГА УЧРАЁТГАНИ БИЛАН ИЗОҲЛАМОҚДА. ОҚИ-БАТДА ЖАҲОН БЎИ-ЛАБ «ОМИКРОН»НИНГ ЯНГИ ВЕРСИЯЛАРИ КЕНГ ТАРҚАЛЯПТИ.

ДУНЁДА ҚАЙСИ МУТАЦИЯЛАР КЕНГ ТАРҚАЛЯПТИ?

Ҳозирга қадар мазкур штаммнинг В.1.1.529, BA.1, BA.2, BA.3, BA.4, BA.5 каби қатор субвариантлари маълум. Улар инсон организмнинг гуморал иммунитетини четлаб ўтиш хусусиятига эгалиги ҳамда юқумлилик даражаси юқорилиги билан анчайин хавфлидир.

Хусусан, BA.5 варианты шу йилнинг апрелида дастлаб Африка минтақаси, июнь-июль ойларида эса АҚШ ва Европа, кейинроқ Россияда доминантга айланди. Олимлар унинг юқиш даражасини ўта юқори деб ҳисоблаётир.

Тўғри, ушбу версия беморларда «дельта» штаммига нисбатан енгил кечмоқда, асоратлари ҳам бирмунча кам. Аммо унинг тарқалиш шиддати баланд ва қармови кенг.

Айни шу омиллар туфайли Ер юзиди эпидемиологик вазият мураккаблигига қолмоқда. Пандемия давридаги касалланишлар сони бўйича АҚШ (101,3 млн.), Ҳиндистон (44,6 млн.), Франция (38,5 млн.), Германия (36,7 млн.), Бразилия (35,6 млн.), Жанубий Корея (27,7 млн.), Япония (26,0 млн.), Италия (24,7 млн.), Буюк Британия (24,0 млн.) ва Россия (21,6 млн.) энг етакчи 10 та давлат бўлиб турибди.

Ҳозир ушбу мамлакатларда «омикрон» штаммининг асосан BA.4 ва BA.5 субвариантлари доминантлик қилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА «ОМИКРОН»НИНГ BA.5 ВАРИАНТИ ДОМИНАНТ ВЕРСИЯГА АЙЛАНДИ

Юртимизда ноябрь ойидан бошлаб коронавирусга чалинган беморлар сони сезиларли даражада ортмоқда. Ўсиш динамикаси, аввало, кунлар совиб, одамлар асосий вақтини ёпиқ бино ва иншоотларда ўтказаятгани билан боғлиқ. Қолаверса, COVID-19нинг юқумлилик даражаси юқори бўлган янги мутациялари беморлар сони кўпайишини тезлаштирапти.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда «омикрон»нинг қайси субварианти доминант версияга айланганини аниқлаш мақсадида яқинда Республика махсус 1-сон Зангиота 1-сон юқумли касалликлар шифохонасига қилинган беморлардан тиббий намуналар олинди.

Шундан сўнг ушбу таҳлиллар Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Илгор технологиялар марказида секвенлаш жараёнидан ўтказилди. Натижада барча беморлар «омикрон» штаммининг BA.5 субварианти билан зарарлангани маълум бўлди.

BA.5 СУБВАРИАНТИНИНГ АВВАЛГИ МУТАЦИЯЛАРДАН ФАРҚИ НИМАДА?

Мазкур версиянинг яширин даври бошқа штаммлар сингари 5-6 кун эмас, 2-3 кунни ташкил этапти. Унинг асосий белгилари сифатида томоқ оғриғи, тана ҳароратининг гектик (41 даражагача) кўтарилиши, бош ва мушакларда кучли оғриқ, ҳолсизлик, уйқучанлик, конъюктивит (10 фоиз ҳолатда), ринит ва тонзилит (40 фоиз ҳолатда), отит (10 фоиз ҳолатда), диарея (10 фоиз ҳолатда) юзага келиши кузатишмоқда.

Шунингдек, кучли ва ҳуружли йўтал, баъзи ҳолларда кўкрак қафасида оғриқ, нафас қисими ва ҳаво етишмаслик белгилари юзага келмоқда.

Ўпка тўқимасининг зарарланиши 30-40 фоиз ҳолатларда кузатишмоқда, – дейди Зангиота 1-сон юқумли касалликлар шифохонаси директори Анвар Хусанов. – Бундай беморларнинг аксарияти уй шароитида ёки баъзи хусусий клиникаларда

антибиотик, гормон препаратлари ҳамда томчи дориларни томир ичига мақсадсиз ва палапартиш қабул қилган юрдошларимиздир.

КАСАЛЛИК БОЛАЛАР ВА ҲОМИЛАДОРЛАРДА ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАР БИЛАН НАМОЁН БЎЛМОҚДА?

Хабарингиз бор, жорий йилнинг ёз ойларида мамлакатимиз ҳудудида «омикрон» штаммининг BA.2 версияси етакчилик қилганди. Айни пайтга келиб эса беморларнинг қарийб барчасида BA.5 субварианти аниқланмоқда.

– Ўн саккиз ёшгача бўлган аҳоли қатлами ҳамда ҳомиладор аёлларнинг иммун тизими нисбатан суст бўлади, – дейди Зангиота 1-сон юқумли касалликлар шифохонаси директори ўринбосари Ҳилола Алимова. – Шу боис уларнинг юқумли касалликлар, жумладан, коронавирусга чалиниш эҳтимоли юқори.

Хасталик белгиларига келсак, BA.5 субварианти аломатлари аввалги BA.2 версияси симптомлари билан деярли бир хил кечмоқда. Жумладан, болалар ва ҳомиладор аёлларда тумов, томоқда оғриқ ва қизариш, ўРВИ, қолаверса, 3-5 фоиз ҳолатларда аллергияга мойиллиги бор беморларда диарея ҳамда обструкция (бўғилиш ҳуружи) белгилари кузатиляпти.

Шунингдек, муддатига етган, учинчи 3 ойликдан юқори муддатдаги ҳомиладорларда (30 ҳафтадан юқори муддат) хасталик чоғида ҳомила сувининг сезиларли миқдорда камайиши ва лойқаланиши юзага келади. Бу эса ҳомиланинг димиқшишига олиб келмоқда.

Бундай аёлларда коронавирус юқори ҳарорат, бош ва мушакларда оғриқ, ҳолсизлик, уйқучанлик, ринит ва тонзилит белгилари билан намоён бўлмоқда. Қолаверса, баъзи беморларни кучли йўтал, кўкрак қафасида оғриқ безовта қилляпти.

Қолаверса, фон касалликлари бор беморлар, масалан, тутқаноқ хасталиғи мавжуд болалар, кардиологик муаммолардан азият чекаётган аёллар ва ўғил-қизларда коронавирус нисбатан оғирроқ кечмоқда.

Эътиборли жиҳати, ушбу муддатдаги ҳомиладорларда касаллик енгил кечиб,



ўпка тўқимасининг зарарланиши деярли кузатилаётгани йўқ. Шунга қарамай, ҳомиласи 30 ҳафталикдан ошган опа-сингилларимизга стационар шароитда даволанишни тавсия этамиз.

Ҳомиладорлиқнинг биринчи ва иккинчи 3 ойлигидаги беморлар эса қатъий равишда ҳудудий оилавий поликлиникалар назоратида бўлиб, тегишли муолажаларни олишлари шарт.

БЕМОРЛАР УЙ ШАРОИТИДА ҚАНДАЙ ДАВОЛАНИШЛАРИ КЕРАК?

Мутахассисларимизнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда коронавирус ташхиси билан рўйхатга олинаётган беморларда касаллик аввалги штаммларга нисбатан бирмунча енгил ўтмоқда.

– Бундай юрдошларимиздан бир қисми уй шароитида даво муолажаларини олишлари мумкин, – дейди Зангиота 1-сон юқумли касалликлар шифохонаси директори Анвар Хусанов. – Фақат амбулатор тарзда даволанувчи аҳоли қатлами ҳудудий оилавий поликлиникаларда оилавий шифокор ҳамда ЛОР мутахассис назоратида бўлишлари шарт.

Одатда бундай беморларга кўпроқ суюқлик ичиш (суткасига 4-5 литр ҳажмда), томоқни тез-тез махсус антисептик воси-

талар билан чайиш, вирусга қарши ва антиоксидант дорилар ҳамда Д ва С витаминлари, Цинк препаратларини қабул қилиш, уй шароитида изоляция ва чекловчи тартибга риоя этиш, тиббий ниқобдан фойдаланиш тавсия этилади.

Аммо антибиотик, гормон препаратлари ҳамда томчи дори воситаларидан мақсадсиз ва ўзбошимчалик билан фойдаланмаслик керак.

ВИРУСДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНИШ ЛОЗИМ?

Аввало, барча аҳоли қатлами коронавирусга қарши бустер доза билан эмланиши даркор. Шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш, хусусан, кўларни яхшилаб ювиш, махсус антисептик воситалардан фойдаланиш, томоқ ва бурунни тез-тез чайиш талаб этилади. Ёпиқ бинолар ва жамоат жойларида тиббий ниқобдан фойдаланиш зарур.

Касалликнинг илк аломатлари ёки ўРВИ белгилари намоён бўлиши билан атрофдагилар билан мулоқотни чеклаш ҳамда ҳудудий оилавий поликлиникаларга мурожаат қилиш керак.

Аслиддин БҲРИЕВ,
журналист


САЛЛА ўрнига КАЛЛА олинишига сабабчи бўлманг!

<<< 1


Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси раҳбари А.Бобо-жонов 2022 йил 9 декабрь куни шаҳар ҳокими Ф.Умаровга №02-13/973-сонли хат йўллайди. Унда тизимдаги тиббиёт ходимлари давлат раҳбари фармониغا асосан соғлом турмуш тарзига амал қилиш мақсадида ҳар куни эрталаб гимнастика машқлари билан шуғулланиши баён қилинади. Шунингдек, хатда 10-оилавий поликлиникада ҳам кундалик одатга кўра, машқлар бажарилгани, бино ичкарисида шуғулланган ҳамширалар ташқарига чиқиб, қорда суратга тушишгани ва ушбу ҳолат бўйича жамоа билан мулоқот қилиниб, ҳамширалардан тушунтириш хатлари олингани «келтириб» ўтилади.

Таажжуб, эсдалик учун қорда суратга тушилса, бунинг нимаси ёмон? Бу «қилимиш» учун тушунтириш хати ёзиладими?..

Энг қизиғи, ҳалимлик билан ёзилган хатнинг охиридаги «оҳанг» умуман бошқача. Мана, ўзингиз ҳам ўқиб кўринг: «Ушбу ҳолат бўйича умумий назоратни суъайтирганили учун 10-сонли оилавий поликлиникаси бош врач вазифасини бажарувчи Толибова Зулхумор Исмоиловна ва бош ҳамшира Ганиева Нафиса Йўлчиевналар эгзалаб турган вазифасидан озод қилинди...». Имзо ва муҳр.



Шаҳар ҳокимига ҳозиржавоблик билан битилган бу хатга бош шифокор Зулхумор Толибованинг ўз ари-засига кўра ишдан бўшатилаганиги тўғрисидаги Самарқанд шаҳар ШТБ раҳбарининг 2022 йил 9 декабр-даги №1554-7-107 сонли буйруғи илова қилинади.



Мана «фейк» хабарнинг кучи, мана «фейк»ка муносабат, мана ёлгонга бадал...

Айтганча, биз бош ҳамширанинг исм-шарифи Нафиса Ганиева эмас, Нафиса Каримова эканини аниқладик. Масъулларнинг масъулиятига «қойил»!

Самарқанд шаҳридаги бир кунда маълуми машҳур бўлиб кетган ўша поликлиникага борганимизда, «ишдан бўшатилаганлар» – бош шифокор вазифасини бажарувчи Зулхумор Толибова ҳамда бош ҳамшира Нафиса Каримо-вани ўз ўринларида кўриб, очиги, ҳайрон бўлдик.

– Жамоамиз иш бошланишидан олдин ҳар куни жисмоний тарбия билан шуғулланади, – дейди Зулхумор Толибова. – Машғуллотлар учун поликлиникамизда иккита зал бор. Тўғриси, ўша куни бир юмуш билан банд бўлиб, ишга кечроқ келгандим. Биласизми, ижтимоий тармоқларда тарқалган «Бош шифокор ҳамшираларни мажбурлаб, -6 даража совуқда машқ қилдирди» деган ёлгон хабардан жуда қийналдим. Ўғеки бошимга урзи билан ургандек бўлишди. Ушандан бери ҳаловат йўқ. Поликлиника арининг уясига айланди. Тўғриси, бу «суриштирув»лардан ҳамма безди.

– Сизни ишдан бўшатишганди-ку?..
– Бу хабарни менга яқинларим етказишди. Ҳайрон қолдим, эзилдим. Мен ариза ҳам ёзмаганман, менга ишдан бўшатилаганим ҳақидаги буйруқни ҳам беришмаган. Шунанча...

Яна бир «ишдан ҳайдалган» ходим, яъни бош ҳамшира Нафиса Каримовага ҳам юзландик.

– Ўша куни жисмоний машқлардан сўнг қизлар ташқарида суратга тушайлик, дейишди. Ҳовлида суратга тушдик. Кейин суратларни жамоа аъзолари учун юритиладиган «Ҳамширалар» телеграм гуруҳига жойладик. Кейин қимдир... уёғи ўзларингизга маълум.

Биз билан суҳбатда ҳамширалар Наргиза Жуманова ва Насиба Жабборова ҳам юқоридагига ўхшаш жавоб беришди. Бу поликлиникада 90 нафардан зиёд ходим хизмат қиларкан. Уларнинг барчасини ишдан қолдириб, касалларни куттириб, «тергов» қилиб ўтирмадик.

Поликлиникага келганимизда «свет» ўчди. Бу ерда то тушликкача бўлсак-да, чироқ ёнмади. Хоналар совиб кетганди. Ходимлар қишки кийимларига ўраниб юришибди. Тўғриси, бундай шароитда бадантарбия машқини ташқарида бажардинг нима-ю, ичкарида бажардинг нима, фарқи йўқ, Икки 15 – бир 30.

Зулхумор Толибованинг айтишича, у ҳар куни шаҳар элэрт тармоқлари корхонасига «свет» сўраб, беш-ўн маротаба кўнжорқ қилар, аммо натижа бўлмайётган экан. Тўғриси, ҳудуддаги 32 минг нафардан ортққ аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи бу поликлиникадаги аҳолини кўриб, шифокор ва ҳамшираларга ҳам, тиббий хизматга муҳтож бўлиб келганларга ҳам ачиндик. Одамлар совуқдан «безишган».

Шу биргина поликлиника миқёсида эътибор қаратиш ва кўтариш керак бўлган энг катта муаммо аслида шу эмасми? Биз нима қилганимиз? Биз инсон қадрини унутиб, майда-чуйда «фейк»ларга ўралашиб, «ур-кал-так» қилиб юрибмиз.

Биз Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасида ҳам бўлдик. Ва албатта, ШТБ раҳбари имзолаган 10-оилавий поликлиника бош шифокори ва ҳамширасини ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ билан қизиқдик. Бу мавзуда гапиришни ҳам, эшитишни ҳам истамган раҳбариятдан буйруқ юридик хизматлар томонидан рад этилгани билдик, холос.

Ўйлаб қолсан, киши. Инсон қадр-қиммати ва ходимнинг раҳбарият олдидаги мавқеи шунчалар арзонми? Нега энди Самарқанд ШТБ раҳбарияти «полик-линикада ҳамма ишлар жойида» деб, икки ходимга «ҳайдалади куйини чалдирмоқчи» бўлди. Агар юридик хизмат буйруқни тасдиқлаб юборганида нима бўларди? Эҳ, одамлар...

Бир умр халқ саломатлиги йўлида хизмат қилиб келаётган ходимларнинг юзини қора қилишдан қим манфаатдор? «Лайк», «сенсация» учун «фейк» хабар тарқатиб, одамларни руҳий азобда қолдириш инсофданми? Айниқса, салла сўралганда, каллани олиб келадиғанлар кўпайганди...

Биз асло иккала тиббиёт ходимининг енни олмақчи эмасмиз. Балки улар хатоликка йўл қўйишгандир. Асл ҳолатни яшириб, уни бошқача талқин қилди-лар ҳам дейлик. Бу – уларнинг виждонига ҳавола.

Аммо совуқда, иссиқлик «етишмайдиган» ишхонада кун бўйи жунжикиб ўтириш ҳаммасидан ошиб тушма-яптими?

Мана, масала қаерда...
Хуллас, ўхшамабди...

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 мартда 10-000103 рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган «GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» (СТИР: 207135501) АЖГА тегишли қуйидаги суғурта полис бланклари йўқолгани сабабли бекор қилинишини маълум қиламиз:

Серия	Номер
GSS	195061,195062,195064-195067,195069-195071,195074,195076,195090; 239572-239573, 239576; 177075-177079,177082-177087, 177090-177091, 177098, 177099; 180026, 180027,180032,180042,180043; 186984, 186985,
	186989,186994,185998; 169595, 169601; 155780; 181586; 194775; 220931; 217883; 220239; 232211, 232216, 232218, 232219, 232220, 232305, 233518, 233519, 233572, 233575; 17173; 213311; 208406, 208407; 166980; 17241; 20527; 110890; 184624; 184625; 124517; 167818; 182396; 201650; 201655; 201658; 205083; 205131; 247509; 233884-233885; 259025,259092; 262868; 274469; 263374.
	GB 29837,29844,29846.
	AH 2054, 2055.
	GIN 6532; 65998; 76370-76389; 91183.
GIR	4272; 8600; 5164,5165; 2391; 4338; 9495; 43062-43065; 43060; 43068; 43069; 59734;68426; 12151.
GIT	219595-219596; 227341; 225802; 243095;243097; 215226-215235; 237370, 237372; 0205526-0205535; 209707; 0215852, 0215855; 0221153-0221165; 0227404, 0227424-0227430.
UJ	34683, 34694, 34703, 34705,34707,34708,34714,34716,34717-34720,34722-34726,34732,37734-34737,34740,34743,34745,34747-34750, 34801-34827; 35032, 35044,35046,35048,35050,7446.
GIP	28393-28500; 26850-26854; 30751-30753;30756-30760; 30764; 30766.
GID	48900, 52139, 53638, 54996, 56582, 61296, 60803, 80472.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши жамоаси кенгаш раисининг ўринбосари Орзигул Қозихоновага уқаси
Муроджон ҚУРБОНОВнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республи- ка кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюш- маси Урганч шаҳар кенгаши раиси Сафарул Бердиевага уқаси
Ботир БЕРДИЕВнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Металлургия ва машинасозлик sanoati тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамо- аси «Ўз Тонг Хонг Ко» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси
Икромжон АРИПОВнинг
вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

